ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

Ў.МУХТАРОВ

В статье обсуждается роль социально-философских взглядов восточных мыслителей в духовно-нравственном совершенствовании молодёжи. Подчеркнута важность и актуальность, которые приобретают в настоящее время воззрения великих предков – Фараби, Беруни, Ибн Сина и других о справедливом общественном строе, что объясняется поступательным движением современного Узбекистана к гражданскому обществу.

In this article the author tries to discuss the role of social and philosophical views of the thinkers of the East in the spiritual and moral developments of the younger generation. It is pointed out that these views of our ancestors and great thinkers such as A. Farabiy, A, Beruniy, Ibn Sino and others about the society of justice are acquiring importance and actuality today. These ideas prove that Uzbekistan is actively moving towards the civil society.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ижтимоий онгда, миллий тафаккурда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энг аввало, халқимиз инсоннинг тафаккури ва иродасини чеклаб қўядиган ижтимоий қўрқувдан халос бўлди, унинг илатларини бартараф этмоқда. Лекин тафаккур эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг тўлароқ юзага чиқиши учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, ижтимоий қўрқувни туғдирувчи ёки озиқлантирувчи ҳар қандай омилларга қарши фаол курашмоқ, демократияни ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамламоқ зарур.

ХХ асрнинг охирларида фуқаролик жамияти ҳақида фикрлаш ва у ҳақда ёзиш таомилга кирди. Бу идеал жамиятга тарихий тараққиёт йўлини англаган ҳолда эришиш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов “фуқаролик жамияти” тушунчасига таъриф берар экан: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишга кўмаклашади” [1.173] деб таъкидлайди.

Фуқаролик жамияти қуришга доир ислоҳотлар жараёнларидан маълум бўладики, бу жамият сўнгги даврдаги назарий қарашлар ва тажрибалар асосида эмас, балки минг йиллар мобайнида тўпланган адолатли ва фозил жамият қуриш анъаналари тажрибаларидан озиқланиб камол топади.

Адолатли жамият барпо этиш, фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар Абу Наср Фаробий қолдирган улкан илмий мероснинг салмоқли қисмини ташкил қилади. Буюк мутафаккирнинг “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида ҳаммани бирдек бахтли-саодатли қилувчи мукаммал жамият – шаҳар-давлатни тасвирлайди: “Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади”[2.137]. Кўриниб турибдики, Форобий фозил жамоа аъзоларининг фазилатли бўлишига, яъни фозил жамият қуриш

учун инсонларнинг маънавий юксалиши, муайян фуқаровий фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Форобий X асрнинг бошларидаёқ адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий моделини қуйидагича таърифлайди: “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларга халақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади” [3.190]. Булардан аён бўляптики, Форобий ишлаб чиққан фозил жамоа таълимотининг асоси комил инсонни шакллантириш, инсонни юксак маънавиятли бўлиши ғояларига қурилгандир.

Комил инсон ғояси Фаробийдан кейинги мутафқаккирларда янада кучли урғу олади. Жумладан, фуқаролик жамияти ғоясининг ривожига муҳим ҳисса қўшган ватандошларимиздан яна бири машҳур мутафаккир Абу Райҳон Беруний меросида. Унинг асосий идеали – комил инсондир. Мутафаккир фозил жамиятда яшайдиган комил инсонларнинг фазилатлари сифатида одамгарчилик, мардлик ва мурувватлик каби қадриятларни таърифлайди.

Фуқаролик жамиятига хос унсурларни тадқиқ этган мутафаккирлардан яна бири Абу Али ибн Синодир. Ушбу мутафаккир адолатли жамиятнинг яшаш шарти сифатида биринчи ўринга инсонлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни қўяди. У “хизматкорларингни ўзингга яқин тут, уларни силтаб ташлама, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қил, уларга нисбатан қаҳр-ғазабли бўлма, улар билан гўё дўстлар билан бўладиган муносабатда бўлгин, уларни бахтсизлик онларида ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир” деб таъкидлайди [4.40]. Қисқа қилиб айтганда, Ибн Синонинг комил инсонни шакллантиришга доир қарашларида, илк уйғониш даври мутафаккирлари каби, маънавий қадриятларни моддий ҳаёт қадриятларидан устун қўйишга мойиллик кучлилиги сезилиб туради. Зеро, давлат ва жамиятни маънавий ва ахлоқий мезонлар асосида бар-по этиш мамлакатимизда амалга оширилаёт-ган ислоҳотларнинг энг муҳим ва устивор тамойилларидан биридир.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурларни бойитишга катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий-Низомулмулкдир. Мутафаккир “Сиёсатнома” асарининг иккинчи фаслида подшоҳни раиятпарвар бўлишга ундайди, учинчи фаслида берилган фуқароларни юқори давлат органлари томонидан қабул қилиш, халқ арз-додини эшитиш ва шу асосда жамиятда адолатсизлик, инсофсизлик, жабр-ситам ва зулмга барҳам беришга доир фикрлар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Низомулмулкнинг деярли 9 асрдан кўпроқ муқаддам ижтимоий адолат қадриятларини кўтариб чиққани фуқаролик жамияти унсурларининг аксарияти дастлаб Шарқ мамлакатларида шаклланганидан далолат беради [4.40]. Низомулмулк жамият ва давлат барқарорлигини сақлаш қобилиятига эга бўлган маънавиятга асосланган сиёсат, шариат қоидалари, адолатли бошқарув усуллари билан мамлакатни бошқариш масалаларини илгари сурган эди.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодида ҳам фуқаролик жамияти кишиларига хос фазилатлар талқини кенг ўрин тутади. Алишер Навоийнинг қарашича, адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавий баркамол инсонларгина барпо этишлари мумкин. Шунинг учун ҳам у инсон маънавиятини юксалтириш асосида фозил жамият қуриш ғояларини илгари суради. Алишер Навоий инсониятни икки тоифага бўлиб, уни “аҳли маъни” ва “аҳли суврат”дан иборат деб кўрсатади:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч хор айлама гадолиғдин.
Ким буларға гадолиғ ортиғдир,
Аҳли суратға подшолиғдин. [6.3]

Шоир талқинига кўра, “аҳли суврат”га мансуб кишилар инсоний муносабатларнинг фақат шаклу шамойилига эътибор берадилар. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зебу зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш хосдир. Бу тоифадаги кишилар кучлилар қаршисида қул, ожизларга нисбатан зулмкор. “Суврат аҳли” диний амалларни ҳам фақат қўрқув ва у дунёдаги моддий лаззатланиш илинжида бажарадилар. Бундай инсонлар фақат жоҳил жамиятни хуш кўрадилар. Аксинча, “аҳли маъни” юксак тафаккур соҳиблари. Уларнинг “аҳли маъни” деб аталишига сабаб шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақл идрокли бўлиш, турли муносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хосдир. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон эркин, довюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва маъсулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва тазйиқ ишлатишдан ҳоли, халқ ва дин учун фидоий, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамдард, ҳар қандай зулмга қарши бора оладиган, адолат олдида ҳар қандай бойлик, из-

зат-нафс ва манфаатдан кеча оладиган, ўз фикрига эга бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, “аҳли маъни“га мансуб бўлиш, яъни юксак маънавият соҳиби бўлиш инсоннинг энг олий орзусидир. Алишер Навоийнинг бу талқинини англаган ҳар бир инсон учун маънавият – инсонликнинг мазмун-моҳияти, бирламчи шартидир. [6.13-15]

Алишер Навоийнинг замондоши бўлган Хусайн Воиз Кошифий ҳам ушбу ғояни ёқлаб чиқади. У ўзининг “Аҳлоқи Муҳсиний” номли асарида флоренциялик Николо Макиавеллидан деярли чорак аср аввал сиёсат тушунчасининг таърифини ишлаб чиқди. У Николо Макиавелли таърифидаги “мақсад воситани оқлайди” деган қоидага бутунлай зид бўлган адолатли, ахлоқ ва маънавиятга таянган сиёсатни қўллашни маъқул топади [6.46]. Хусайн Воиз Кошифий ўз давридаги жамият ва давлат тизимини таҳлил қилар экан, жамият барқарорлигини унинг аъзолари ўртасида адолат ва инсонийлик қадриятларининг юксалиши, ҳукмдор ва давлат мансабдорларининг маънавий бойлиги билан боғлайди. Бу қарашлар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизда яшаган буюк алломаларнинг бой илмий мероси ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини қуриш соҳасидаги ислоҳотларда пайдо бўлаётган кўплаб муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, улар қолдирган бой мерос мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларни ташкил этишнинг маънавий-аҳлоқий манбалари бўлиб хизмат қилади. Асосийси, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтиришда ушбу мутафаккирларимиз қолдирган маънавий-илмий меросни мукаммал ўрганиш фуқаролик жамиятини барпо қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Форобий. Рисолалар. –Т., 1975.
3. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., 1993.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
5. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т., 2000.
6. Ўринбоев А. Маънавият – миллатнинг куч-қудрати. – Т., 2006.
7. Маҳмудов Р. Дегонимни улусға марғуб эт... – Т.: Ўзбекистон, 1992.
8. Қирғизбоев М. Маънавият, маърифат, мафкура. // Мулоқот.- 2000.- №1.

Андижон давлат университети,
2012 йил 26 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)